



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№30 (60) 25.07.2019 йил

» Халқаро мусиқа фестивали

“Шарқ тароналари” меҳмонларни чорламоқда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, фахрий меҳмон сифатида иштирок этиш учун 50 дан ортиқ хорижий давлатга таклифномалар юборилди. Бугунги кунга қадар фестивалда иштирок этиш истагини билдирган давлатлар сони 78 тага, умумий иштирокчилар сони 316 нафарга етди. Халқаро танловда 37 та давлатдан 33 та мусикий жамоа ҳамда 157 нафар иштирокчи қатнашиш истагини билдирди.

Халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш учун 14 та давлатдан 21 на-

фар олим, 23 та давлатдан 52 нафар ОАВлари вакили ҳамда 37 та давлатдан 65 нафар фестиваль меҳмонлари (менежерлар, фестиваль директорлари, соҳанинг етух мутахассислари), 19 та давлатдан 20 нафар халқаро хайъат аъзоларидан иборат номзодлар рўйхати шакллантирилди.

Юқорида номлари келтирилган фестиваль иштирокчиларининг 109 нафарига Ўзбекистонга келиб-кейтиш авиачипталари бронь қилинди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросими концерти лойиҳаси тайёрланди, дастлабки машғулотлар “Туркистон” санъат саройида олиб борилди ҳамда 2019 йилнинг 19 июль куни Тошкент шаҳридан Самарқанд шаҳрига 214 нафар ижодий жамоа хизмат сафарига юборилди. 24 июль куни Тошкент шаҳридан “Тошкент зеболари” рақс ансамбли Самарқанд шаҳрига жўна-

кетди. Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий, Бухоро вилоятларидан эса 16 нафар рақс жамоаси 25 июль куни Самарқанд шаҳрига етиб боради.

Маданият вазирлиги Ахборот хизмати маълум қилишича, Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида, Шердор мадрасаси ҳовлисида ўтказиладиган тадбир учун саҳнанинг монтаж ва томошабинлар амфитеатрида жиҳозлаш ишлари якунланди. “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимига тайёргарлик жараёнларига Ўзбекистон санъат арбоби, фестиваль бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев бошчилик қилди. Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ҳам 24 июль куни мазкур тайёргарлик жараёнлари билан танишиш учун Самарқандга ташриф буюрди.

Ушбу сонда

Ёшлиқ жозибаси рассом талқинида



8-саҳифада »

Мозийдан садо: Мингтепа — қадим тарих дурдонаси



6-7- саҳифаларда »

Озодбек НАЗАРБЕКОВ: “Маданият аслида ҳаётий қоидалар ифодасидир”

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби маданият ва санъат йўналишида ҳам кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятни ривожлантириш мақсадидаги кўрсатмалари асосидаги саяёҳаракатлар натижасини бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

5-саҳифада »

» Лойиҳа

Янги қарор лойиҳаси эълон қилинди

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (<https://regulation.gov.uz/>) порталида 2019 йил 23 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ҚАРОРИ ЛОЙИҲАСИ эълон қилинди.

Мазкур лойиҳада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд қилиш, бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда умумтаълим мактабларида барча мавжуд имкониятлардан са-

марали фойдаланган ҳамда ёшларнинг қизиқишларини инobatта олган ҳолда вилоятдаги ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйилиши таъкидланган. Шунингдек, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2019 йил якунига қадар ҳар бир туман ва шаҳар марказий маданият марказида (ёки умумтаълим мактабида) муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари



ҳисобидан жамоатчилик шаклида биттадан ҳаваскор театр жамоаси, ашула ва рақс ансамбли ҳамда намунавий болалар ансамблини ташкил этиш чораларини кўриши, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бир ой муддатда умумтаълим мактаблари фаоллар зали ва маданият марказларида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат, меҳр-оқибат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган кинофильмлар намойишлари ташкил қилинишини таъминлаши, Республика Маънавият ва

маърифат маркази ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилини мунтазам равишда олиб бориши, ёшларнинг тўғарақларга қатнашиши, ўтказилаётган тадбирларнинг мазмундорлиги юзасидан доимий мониторинг юритиши ҳамда натижалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тегишли тавсиялар киритиб бориши белгиланган.

Мазкур қарор лойиҳасига 2019 йил 8 августга овоз бериш, шунингдек, таклифларни билдириш мумкин.

Донлар
сўзлайди...

Ўз бошингга ўзинг солма ҳайронлик,
Бир «йўқ» келтиради минглаб осонлик.
Алишер Навоий

Овламоқ учун бир кўнгилни нуқул,
Бошқасига озор бермоқ номаъқул.
Саъдий Шерозий

Қарашга нораво нарсага кўр бўл,
Тинглашга нопойиқ гап-сўзга қар бўл.
Носир Хисрав

Кириш имтихонлари олдида

Тайёргарлик жараёнлари билан танишди



Ўзбекистон Республикаси маданият вазири, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Б.Сайфуллаев жорий йилнинг 25 июль кунидан 7 август кунига қадар консерваторияда бўлиб ўтадиган ижодий имтихонларга тайёргарлик жараёни би-

лан танишди. Шунингдек, имтихон учун тайёрланган хоналарни кўздан кечириб, ёшлар учун ўқув муҳим ва аҳамиятли бўлган жараённинг юқори савияда, адолатли тарзда ўтишига масъул вакиллар билан суҳбатлашиб, топшириқлар берди.

Айни пайтда Ўзбекистон

давлат консерваториясида ўқишни истаган ёшлар сифи жуда кенгайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) ва кириш имтихонларига ҳам алоҳида талаблар қўйилмоқда.

Маданий мерос

45-уй — маҳаллий аҳамиятга эга ёдгорлик

Интернет нашрларида кўпга баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган, Тошкент шаҳар Миробод тумани Амир Темура кўчасидаги 45-уй биноси “Маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Моддий маданий мерос объектларини давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг 2019 йил 28 июндаги 400-сонли буйруғига асосан моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига маҳаллий аҳамиятдаги архитектура ёдгорлиги сифатида киритилди.



Маданият вазирининг буйруғи билан моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган объект “Маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун билан муҳофиза этилади. Маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Танлов

Талабалар учун грант дастури

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрларида таҳсил олаётган талабалар учун грант дастурига танлов эълон қилди. Жорий йилда Ўзбекистон Маданият вазирилигига бўйсунувчи таълим муассасалари рўйхатига киритилмаган университетлар талабалари ҳам бу дастурда иштирок этиш учун ариза беришлари мумкин.

Шунингдек, бу йил бакалаврият ҳамда магистратурада таълим олиш учун грант олиш имкони яратилди. Дастур шартларига мувофиқ талабалар:

- маданият ва санъат соҳасида менежмент;
- қайта тиклаш ва сақлаш;
- архитектура;
- маданий сайёҳлик;
- график дизайн;
- тасвирий санъат;
- музейшунослик йўналишлари бўйича танловда иштирок этишлари мумкин. Дастур бўйича ажратилган грант суммаси голиб бўлган талабага йиллик шартномада белгиланган тўлов миқдори бўйича 2019-2020 ўқув йили учун тўланади.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Саралаш босқичида иштирок этиш учун номзодлар 25 августга жамғармага мурожаат этишлари зарур.

Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги олдида

Ўтган йигирма саккиз йил мобайнида мамлакатимиз мустақиллигини шарафлаб туркум-туркум бадиий-публицистик мақолалар, кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар эълон қилинди. Жилд-жилд китоблар нашр этилди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида қалбимизда фахр ва ифтихор туйғулари жўш урди. Узоқ йиллар қарамликда яшашга маҳкум этилган халқимиз учун, табиийки, Мустақиллик миллатнинг чинакам улуг байрами эди.



Миллатнинг кутлуғ байрами

Орадан қарийб чорак асрдан зиёроқ вақт ўтаётган бўлса-да, бу улуг айём бизга бир олам қувонч ва ҳистуйғулар бағишлади. Беихтиёр энтикамиз, фахрланамиз. Ахир, бир неча авлод ота-боболаримиз мустақилликни узоқ вақт орзу қилмаганимиз ва бу йўлда миллатимиз фидойилари жонларини қурбон этмаганимизми?!

Бугун бироз ҳаёт ҳақиқатига юз бургандекмиз. Хис-ҳаяжонларни бироз жиловлаб, ҳолисона айтсак, ҳақиқатан ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин ўз ҳаётимизни ўзимиз қуриш, фарзандларимизни ўзимиз илм-маърифатли қилиш, едиртиб-ичиришимиз масъулиятини зиммамизга олишимиз ҳаётини заруратга айланди. Қуруқ гап, олди-қолди ваъдалар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги амалда кўринди. Қолаверса, халқимиз тақдирига боғлиқ ишларни ташкил этиш, уларни бажаришда ҳайбаракаллачиликка йўл қўйиб бўлмаслигини англаётдик.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 июль кунини матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан шундай дейилган: “Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқро жамоатчиликка etkаsиш муҳим аҳамиятга эгадир”.

Узоққа бормаёлик, шу кунларда хориж матбуотларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга бери-

лаётган ҳолисона баҳоларга эътибор қилаёлик. Хитойда чоп этиладиган “South China Morning Post” газетасининг эътирофи этишчи, “Президент Шавкат Мирзиёев ўтмишда йўл қўйилган хатоларни бартараф этиб, кўпга танқидларга учраган тақиқларни бекор қилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир қатор амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётир. Айниқса, республиканинг халқро майдондаги имижини тубдан ўзгартириб, унинг қўшни давлатлар билан алоқалари яхшиланди. Натижада иқтисодий модернизация ва либерализация жараёнлари изчил кечгани ҳолда, мамлакатга хорижий сармоялар оқимида “портлаш эффекти” юз берди”.

Ёки АҚШнинг “Орен Демосгасу” электрон порталида “Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кечаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида мақола чоп этилди. Таҳлилчи Дарина Солод (DarinaSolod) 2016 йили Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига сайлангандан сўнг мамлакатда бу йўналишда кенг қўламли чора-тадбирлар бошлангани, жумладан, қатор қонун ва қарорлар қабул қилинганини ёздади” (“Халқ сўзи” газетаси, 141-сон).

Ҳақиқатан ҳам сўнги йилларда мамлакатимизни модернизация қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Биргина олий таълим соҳасини олиб кўрайлик. Малакали кадрларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизда жаҳоннинг нуфузли олий таълим ўчоқлари филиалларини, физика, кимё технологиялари соҳаларида янги йўналишларни очиб қаби долзарб вазифаларга дадил киришилаётгани фикримизга далилдир.

Шу кунларда мамлакатимизнинг қайси туманига, қайси бир узоқ қишлоғига борманг, кўтаринки кай-

фиятга гувоҳ бўласиз. Юртдошларимиз “Обод қишлоқ” дастури асосида бунёд этилган ёруғ ва шинама хонадонларга кўчиб ўтишмоқда. Бундай ишларга эндигина қўл урилган жойларда эса, бунёдкорлик ишлари жадал тус олган. Яқин орада Янгирда бўлмаган киши у ерда қад ростлаётган кўп қаватли уйлар, таъмирланаётган кенг кўчалар, мактаб, хотин-қизларни касбга ҳозирлайдиган ўқув марказлари, спорт ва соғломлаштириш муассасаларини кўриб, қаердалигини ҳам унутиб қўйса, ажаб эмас.

Бундай тезкор яратувчанлик жабҳаси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа вилоятларда ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда. Биргина Сурхон воҳасидаги Шарғун шаҳарчасини олайлик. Муҳаддам бу шаҳар деярдан кўпчиликка маълум эмасди. Давлатимиз раҳбарининг таширидан сўнг замонавий шаҳар барпо этиш жараёнлари бошланиб кетгани, ҳозир 1200 нафар ишчи кечаю кундуз қамишдан бел боғлаб, мамлакатимиз мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш билан машғулларини алоҳида таъкидлаш керак. Тошкент шаҳри-ку бутун олам кўз ўнгида янги қиёфага кирмоқда. Қисқа муддатда барпо этилган Нурафшон шаҳрининг жамолидан кўзлар қамашади. Буларнинг бари ҳаётимиздаги ўзимиз гувоҳи бўлиб турган ўзгаришлар ва бунга мисоллар кўп.

Ўтган вақт давомида энг катта эътибор маънавий юксалишга қаратилгани алоҳида таъкидлаш ўринли. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ўта мураккаб жараён. Ёш авлоднинг бундан самарали ташкил этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, уларнинг ҳавасманд қўниғларини китобга ошно қилиш, бир сўз билан айтганда, тафаккурларини уйғотиш бош вазифа этиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари то-

монидан ҳаётга тақдим этилган ва кейинги пайтда мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилган “Беш муҳим ташаббус”нинг мазмун-моҳиятини олиб қарасангиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг пойдевори қандай бўлишини тасаввур этасиз.

Мамлакатимизнинг келажакда қандай қудратга эга бўлиши, табиийки, ёшларга берилаётган таълим сифатига боғлиқ. Бу йўналишда бўлганган туб ислохотлар оғир кечаётган бўлса-да, ўзгаришлар зарурат эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилиб турибди. Таълимнинг бош бўғини, албатта, бошланғич таълимдир. Ислохотлар моҳиятан уларга қаратилгани, ёшлар ўртасида саводхонликни ошириш, таълим муассасаларини дунё стандартлари даражасида ахборот алмашув технологиялари билан жиҳозлаш масалалари қамраб олинаётгани мустақиллигимизнинг чинакам ютуқлари сирасига қиради. Адабиёт, спорт, фан олимпиадаларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, ижодкор ёшларга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик — буларнинг бари ўзбекона қалб, соф туйғу воситасида амалга оширилаётгани умидбахш ишлардир. Буларнинг бари мамлакатимиз мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш, дунё ҳамжамиятида ўзликни асраш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиздир.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги, унинг моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг фидокорона меҳнати орзу-умидлар йўлида амалга оширган ишлари самарасидир. Бу сана миллатимизнинг энг улуг байрамидир.

Унга тайёргарлик қўриш ва муносиб тарзда нишонлаш ҳар биримизнинг шартлари бурчимиз.

Ўқтам МИРЗАЁР
“O'zbekiston adabiyoti va san'ati” gazetasidan қўсқартириб олинди

Мулоқот

Маданият вазири қабулида


20 июль куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Ўзбекистон давлат консерваториясида навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Қабулда иш билан таъминлаш, тизим ташкилотларининг ривожини йўлида янги гоъларни жорий этиш каби турли маса-

лалар бўйича муурожаат ва таклифлар тингланди.

Жумладан, Гулшан Муҳамедова Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари учун "Махсус опера ва тайёрлов" номида ўқув қўлланма устида иш олиб бораётганини айтиб, уни чоп этишда амалий ёрдам сўради. Яна бир ҳамюртимиз — Ахромов консерватория катта ошхонасини ижарага олиш, Руфина Нафиқова эса консерваторияга имтиёз асосида ўқишга кириш масалалари бўйича муурожаат қилди.

Б.Сайфуллаев барча муурожаатларни ўрнатилган тартибда ўрганиш ва кўриб чиқишни масъулларга топширди.



Инсониятнинг боқий дурдоналари



Номоддий маданий мерос нима?

"Номоддий маданий мерос" ибораси тилимизга кириб келганига узоқ вақт бўлгани йўқ. Кўпчилик тушуниши бир оз қийинроқ кечаётгани боис, бу атаманинг тарихига бир оз тўхталсак.

Номоддий маданий мерос ва унинг муҳофазаси масалалари ЮНЕСКОнинг 1989 йилдаги "Анъанавий маданият ва фольклорни муҳофаза қилиш" бўйича тавсияларидан бошланган эди. 1994 йилдан миллий тизимлар томонидан номоддий маданий меросни ўзида сақловчилар ва бошқаларга етказувчиларнинг расман тан олишини ҳамда улар томонидан ушбу мероснинг келгуси авлодга етказилишига кўмаклашиш мақсадида "Инсониятнинг боқий дурдоналари" дастури тузилди.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 222-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу дастурларда жойларда миллий анъаналар ва қадриятларни келажақ авлодга қолдириш юзасидан тегишли бандлар қабул қилинган. Номоддий маданий мерос 5 та соҳани ўз ичига қамраб олади.

Булар: ўзликни намоён этишининг оғзаки анъаналари ва шакллари:

Халқ оғзаки ижодиёти билан боғлиқ барча жанрларни ўз ичига олган, ажодларимиз ва замонадошларимиз томонидан ижод қилинган мифлар, афсоналар, ривоятлар, эртаклар, масаллар, маталлар, мақоллар, тез айтишлар, дostonлар ва бошқа жанрлардаги манбалар;

Ижро санъати: мусиқа соҳаси бўйича "Шахмақом", "Хоразм мақомлари", "Тошкент-Фарғона мақом йўллари", "Дутор ва сурнай мақом йўллари", "Катта ашула", "Тановор"лар, "Ушиқ"лар, "Феруз"лар, "Сувора"лар, "Лазги"лар, "Маверги"лар, Мискинлар сингари туркумлар, аллалар, ўлланлар, яллалар, лапарлар, мадҳиялар, термалар, шунингдек, "Бахшичилик", "Халфачилик" ва ҳудудга

хос бошқа йўналишдаги манбалар; рақс соҳаси бўйича Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа ҳудудларга хос рақс мактаблари ҳақидаги манбалар; томоша санъати соҳаси бўйича миллий дорбозлик, полвонлик, анъанавий цирк, кўзбойлогичлик, кўғирчоқбозлик сингари йўналишлар, миллий халқ ўйинларидан кўпқари йўғини ва бошқа миллий ўйинлар ҳақидаги манбалар.

Шунингдек, жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари: ҳудудга ёки миллатга хос бўлган урф-одатлар, маросим ва анъаналар ҳақида байрамлар тарихи, уларнинг ҳозирги ҳолати билан боғлиқ манбалар.

Бунда, меҳмондўстлик анъаналари, тўй-ҳашамлар, фарзанд тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, миллий ва маҳаллий миқёсда ўтказиладиган сайллар, ҳашарлар, томошалар, байрамлар, қадимий байрамларнинг замонамизда фойдаланиш мумкин бўлган, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қисми назарда тутилади (Масалан: "Наврўз" байрами, бешик тўйи, исми кўйиши маросими, суннат тўйи, совчиликка бориш, келин тушириш, келин салом ва бошқалар).

Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар сирасига эса инсониятнинг табиат ва коинот билан уйғунлигини таъминлаш бора-сидаги билим ва малакалар кирди: анъанавий халқ тақвими, куннинг боғишига қараб келгуси куннинг қандай келишини айтиб бериш, ойнинг туришига қараб кейинги ойнинг тахминий об-ҳавосини аниқлаш, ҳайвонлар ҳаракати орқали содир бўладиган воқеаларни башорат қилиш, қудуқ қазиш ўрни ёки иморат қуриш жойини аниқлаш, касблар билан боғлиқ анъанавий билим ва кўникмалар (масалан: миллий сартарошлик, анъанавий табобат, иморатсозлик, миروبлик), пазандчилик йўналишларида турли хил миллий таомларни тайёрлаш услубларини тадқиқ этиш бўйича мавжуд манбалар).

Анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар ҳам номоддий маданий мерос турига кирди: зардўзлик, қуроқчилик, кандакорлик, гиламчилик, дўппидўзлик, кўғирчоқсозлик, кулолчилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва хунармандчиликнинг бошқа йўналишлари ҳақидаги манбалар.

Андижон вилояти Булоқбоши тумани маданият бўлимида номоддий маданий мерос объектларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузилган. Улар томонидан номоддий маданий меросни сақлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Аниқланган маълумотлар эса турли байрамлар, сайллар, тўй-маросимлар, кўргазмаларда ўз аксини топмоқда.

Ижро санъати бўйича туман маданият бўлими қошида ташкил этилган "Гавҳар" фольклор-этнографик дастаси ушбу соҳа тарғиботи бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Дастага "Шухрат" медали соҳибаси Гавҳар Тожибоева раҳбарлик қилади. Дастаннинг репертуари миллий кўшиқчилгимизнинг дурдоналаридан бўлган мақом, лапар, ўлан, ёр-ёр ва яллалардан таркиб топган. Санъаткорлар туманимизда ўтказиладиган турли тадбирлар, шодиёналар, тўй-ҳашам ва маросимларда миллий санъатимиз намунаси бўлган ушбу кўшиқларни ижро этиб, барчага хуш кайфият улашмоқда. Ёш авлод вакиллари эса уларни ижро этиш маҳоратидан баҳраманд бўлмоқда.

Ҳозир ўзининг янги дастурларини тайёрлаётган "Гавҳар" фольклор-этнографик дастаси мустақиллигимиз шодиёналари ва сайлларда халқимизга миллий санъатимиз намуналарини етказишни ўз олдидан мақсад қилганлар.

Собиържон СОТВОЛДИЕВ,
Булоқбоши тумани маданият бўлими мутахассиси

Тараддуд

Энг улуғ байрамимиз ўзгача бўлади

18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликда яқинлашиб келаётган мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоларининг йиғилиши ўтказилди.

Унда маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков қатнашиб, истиқлол байрамини муносиб нишонлашга қаратилган Президент қарори асосида амалга ошириладиган тайёргарлик ишлари хусусида маълумот берди. Қарорга кўра, бир қанча тизим раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларига қатор вазифалар, таклиф ва тавсиялар берилган. Шунингдек, байрам тантаналарида ўтган йилларда амалга оширилган ислохотларни баландпарвозлик, расмиётчилик, ва юзакиликка йўл қўймаган ҳолда, ҳолис ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида кўрсатиш зарурлиги қайд этилган.



Йиғилишда байрамни ўтказиш учун янги ва халқчил кўринишлар, услублардан фойдаланиш, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси раҳбарлигида ҳар бир вилоятдан 5-6 нафар ёш истеъоддорларни излаб топиш ва ушбу марказнинг овоз ёзиш студиясида уларнинг кўшиқларини саралаш, шу асосда янги овозларни кашф қилиш, байрамда куйланидиган барча кўшиқларнинг жонли ижрода бўлишини таъминлаш, саҳнага имкон қадар танилмаган ёшларни олиб чиқиш асосий масала бўлиши кераклиги айтилди. Қолаверса, байрам дастурига жаз жанрини ҳам киритиш ва бу жанрда ижод қиладиганларни топиб, тантаналарга жалб этиш масаласи ҳам кўтарилди.

Бу йилги байрам дастурига катта тажрибага эга дизайнерларни жалб қилиш, тантаналардан олдин унинг кўринишини 3D шаклда ишлаб чиқиш бўйича фикрлар тингланди. Шунингдек, кечада саҳнани ёритиб турадиган чироқлар масаласи бўйича чет эллик мутахассисларни жалб этиш, маҳаллий чироқ усталарининг ҳам тажрибасини ошириш, уларни ўқитиш ишларини йўлга қўйиш борасида ҳам ўзаро маслаҳатлашилди.

Қарорга кўра, байрам сценарийси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёзилади.

Абдуқодир МҶМИНОВ, муаллиф олган сурат

Ташаббус ижроси амалда



Болалар оромгоҳларида талабалар шоуси

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ёшлар иттифоқи кенгаши етакчиси Бобур Убайдуллаев бошчилигидаги ижодкор ёшлар мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарга чиқди.

Кўғирчоқ театри актёрлиги йўналиши талабаларидан иборат ушбу гуруҳ Тошкент вилоятининг "Металлург", "Гулзор", Жиззах вилоятининг "Истиқлол" оромгоҳларида кўғирчоқ спектакллар ва турли саҳна томошаларини намоийиш этишмоқда. Шунингдек, санъатга ихлосманд болажонлар учун концертлар, театрлаштирилган шоу, давра ўйинлари, мусиқий чиқишлар тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббуси доирасида ўтказиладиган ушбу тадбирлардан мақсад, болаларнинг таътил давридаги вақтларини мазмуни ташкил этиш, уларни миллий санъат асарларидан баҳраманд қилишдир.

Маъқур тадбирларни ташкил этишда Лола Усмонова, Бекзод Маматқулов каби ўқитувчилар, Улуғбек Мусонов, Акбар Нурсайдод каби магистрантлар фаол иштирок этмоқдалар.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

Халқаро танлов

“Садозарб” Испанияда

Испаниянинг Ллорет де Мар шаҳрида бўлиб ўтган “Денгиз кўеши” халқаро мусиқа фестивал-танловида Самарқанд шаҳридаги учинчи ҳамда Пахтачи туманидаги 25-болалар мусиқа ва санъат мактабларининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам

муваффақиятли иштирок этишди. 24 мамлакатдан вакиллар ташкил этилган ушбу халқаро танловда Самарқанд шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг “Садозарб” доирачилар ансамбли қатнашчилари —

Салмон Азгаров, Санжар Нарзиқулов, Алижон Ҳамроқулов ўз маҳоратлари билан барчани ҳайратга солди. Ёш доирачиларга ҳакамлар бир овоздан 1-ўринни бериб, фестивалнинг 1-даражали дипломини топширишди.



Янги асар тақдими

“Мунгли куз”

“Дийдор” Ёшлар экспериментал театр-студияси ҳамда АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган “Essence” театр студияси ижодкорлари биргаликда рус адаби Николаи Некрасовнинг “Кузги дилгирлик” (“Осенняя скука”) пьесаси асосидаги “Мунгли куз” спектаклини намойиш этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Наби Абдурахмонов томонидан саҳналаштирилган мазкур томоша комедия жанрида бўлиб, бой отанинг бир кечадаги кечинмалари ҳақида. Режиссёр томошада ўзига хос талқин топган ва бешта персонажни иккита актёр ёрдамида жонлантирган. Асар қаҳрамонларини Бобур Йўлдошев ва Умар Жумаев ижро этишди.



Бой отанинг ҳаётидаги дилгир дақиқалар, кузги зерикш, ҳар нарсадан айб топиб, инжиқлик билан хизматкор болани қийнаши, вазиятларнинг нозик ечимлари ва ҳаётини топилмалар томошабинни чуқур ўйга толдиради.

“Дийдор” театр-студиясининг ёш актёри Умар Жумаев ошпаз, Качал, Болта ролларини ижро этди. Спектакль воқеалари гўё бутун жамиятнинг оғриқли нуқталари, кишиларнинг маиший турмуши, ҳаётини ташвишларини ўзига сингдиргандек...

Либослар бўйича расом Васса Васильева, композитор — москвалик ижодкор Илья Халмурзаев, чироқ устаси Обид Абдурахмонов, хореограф Анна Тренина каби ижодий гуруҳ аъзолари бадий яхлит саҳна талқинини яратилган. Спектакль якунида бой ота тилидан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Масҳара” шеърий композицияси янграйди. Бу шеър ҳаётнинг ўткинчилиги, елдек учаётган умрда инсон бир-бирига ганимат эканлиги ҳақида бўлиб, “Саҳна айланаверади” деган сўзлар билан янада таъсирли чиққан.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

Анжуман



“Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси”

18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун 2019 йилнинг 26 август куни Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” халқаро анжумани мазмун-моҳияти ва унга тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган халқаро анжуман ташкилотчилари, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари в.в.б. Фуад Пашаев, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Б.Сайфуллаев ҳамда вазир ўринбосари-Маданий мерос департаменти бошлиғи Камола Акилова ОАВ вакилларига номоддий маданий мерос масалалари бўйича барча маълумотларни тақдим этди.

— Айни пайтда олдимизда Ўзбекистон моддий ва номоддий маданий меросини асраш бўйича долзарб вазифалар турибди, — дея таъкидлади маданият вазирлиги. — Бугунги кунда мамлакатимизда маданий-тарихий меросни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш, бу ишларни кенг

қамровда давом эттириш ва мазкур йўналишдаги халқаро тажрибаларни ўрганиш мақсадида 2019 йилнинг 26 август куни Самарқанд шаҳрида “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” халқаро анжумани ўтказилмоқда.

Халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бутунжаҳон жамияти, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ қилиш маркази, Ислоҳ цивилизацияси маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси томонидан ташкиллаштирилмоқда.

Таъкидланишича, халқаро конференцияда маданий мерос ва шаҳарларни режалаштириш; маданий меросни сақлашда ҳуқуқий тизимларни

яратиш ҳамда маданий меросни сақлашда АКТдан фойдаланиш секторларида йиғилишларни ўтказиш каби 3 та йўналиш бўйича иш олиб борилади.

Шу билан бир қаторда, 2019 йилнинг 22-27 август кунлари Тошкент, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин маданият” мерос ҳафталиги ўтказилади. Ушбу ҳафталик доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бутунжаҳон жамиятининг III халқаро конгресси, Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ўзбекистоннинг ёзма мероси дурдоналари кўргазмаси, Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида “Далварзин олтини: Кушон империяси ва унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” кўргазмасини, Самарқанд шаҳрида дунё халқлари либосларини тақдим этувчи “Энг яхши миллий либос-

лар” танловини ўтказиш ва Термиз шаҳрида “Ўзбекистон — цивилизациялар чорраҳаси” номи халқаро археология форумини ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу халқаро конференцияни ўтказишдан асосий мақсад, моддий ва номоддий маданий меросни сақлашда ЮНЕСКО тамойилларини амалга ошириш, тарихий маданий меросни асраб-авайлаш ва омалаштиришда жаҳон тажрибаларини ўрганиш, уларни тиклашда янги стратегия ва технологияларни жорий этиш, рақамли иктисодни ривожлантириш шароитида маданий мерос объектларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Матбуот анжуманида маданият вазирлиги ҳамда унинг ўринбосари оммавий ахборот воситалари вакиллари кизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги матбуот хизмати А.МУМИНОВ олган суратлар

Ташриф

Маданият вазирлиги хореография олий мактабида



22 июль куни маданият вазирлиги Б.Сайфуллаев Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ташриф буюрди ва 2019-2020 ўқув йилига тайёргарлик ишлари қандай кетаётгани билан танишди.

Олий мактаб жамоси билан бирга вазиятни ўрганган Б.Сайфуллаев таълим сифатини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш бўйича аниқ вазифалар берди. Ташриф давомида жамоада фаолият олиб бораётган тажрибали устозлар билимидан ўринли фойдаланган ҳолда “Устоз ва шогирд” аънаналарини янада ривожлантириш, шу билан бир қаторда, билим юртидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун кескин чора-тадбирлар белгилаш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда ушбу мактабда билим юртининг моддий техник базасини яхшилаш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан мақсад, албатта, ёшларнинг янада яхшироқ билим олиши учун шароитлар яратишдир.

Халқаро фестивалъ

“Сурхон саболари” – биринчи ўрин соҳиб



7-12 июль кунлари Испаниянинг Лорет де Мар шахрида бўлиб ўтган “SEA SUN FESTIVAL” халқаро танлов-фестивалида Термиз шахридаги 1-болалар мусика ва санъат мактаби қошида ташкил этилган “Сурхон саболари” рақс жамоиси ҳам иштирок этди.

Рақс, созандалар жамоалари ва яккахонлар, вокал ҳамда рассомлар, халқ элхонлари, фото, видео, модаль театр муаллифлари йўналишларида ўтказилган ушбу танловда жамоа 9 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида замонавий рақс йўналиши бўйича I

даражали диплом; халқ рақслари бўйича II даражали дипломни қўлга киритди. Шунингдек, Сўғдияна Абдуллаева, Муштарийбону Бахриддинова ва Муниса Ёқубовалар миллий рақс йўналишлари бўйича II даражали диплом билан тақдирландилар.

Бизнинг суҳбат

Озодбек НАЗАРБЕКОВ:

“Маданият аслида ҳаётий қоидалар ифодасидир”



Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби маданият ва санъат йўналишида ҳам кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятни ривожлантириш мақсадидаги кўрсатмалари асосидаги саъй-ҳаракатлар натижасини бутун ҳар қадамда кўриш мумкин. Аввало, халқимизнинг ички ва ташқи маданиятини шакллантириш, халқаро майдондаги обрўси, нуфузини орттиришга йўналтирилган фестивалъ, кўрик-танлов, жумладан, “Шарқ тароналари”, мақом, бахшичилик, ўлан ва лапарлар ижрочилигига бағишланган анжуманларда нафақат юртимиз, балки хорижлик иштирокчилар ҳам қатнашмоқда. Ушбу жараёнда албатта Ўзбекистон Маданият вазири Озодбек Назарбеков билан суҳбатимиз давомида шулар ҳусусида сўз борди.

— Бугунги кунда сиз Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари сифатида фаолият олиб бораёсиз. Бу масъулиятли вазифа Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижодига қай даражада таъсир кўрсатган? Бу лавозим режаларингизни амалга оширишга ёрдам бераётми? Агар шундай бўлса, имкониятдан фойдаланиб, биринчи навбатда қайси ишларни амалга оширяёсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, халқимиз маданиятини ривожлантириш, бой маданий, номоддий тарихий меросимизни сақлаш, асраб-авайлаш ишларига астойдил киришилган палладан менга Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосаридек шарофли, айни пайтда ўта масъулиятли вазифа топширилди. Бу мендек олди санъаткорга билдирилган қатта ишонч эди. Бу зиммамга юлганган вазифа ижодий фаолиятимдан ҳам муҳимроқ эканини англатади. Агар шу пайтгача фақат ўз ижодим билан машғул бўлган, кўпроқ халқимизга манзур бўладиган кўшиқлар яратиб, муҳлисларимни хушнуд этишни ўйлаган бўлсам, вазир ўринбосари бўлиб иш бошлагач, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида соҳа ривожи йўлида қабул қилинган фармон, фармойишларнинг ижросига дахлдор мутахассис сифатида ишга киришиб кетдим. Тўғри, бу мен учун осон бўлмади. Чунки энди фақат ўз кизиқишларимнинг эмас, халқимизнинг маданияти ривожини йўлидаги оруз-интилишлари акс этган давлатимиз раҳбариятининг топшириқларини бажаришга ўзимни бағишлашим керак эди. Табиийки, ижодда қандайдир узилиш, сокинлик пайдо бўлди. Сўнги йиллар

да “Шунча янги кўшиқ яратдим” дейишнинг имкони камроқ эканини инкор этмайман. Лекин кейинги йилларда маданият ва санъат соҳасида қабул қилинган 50 дан ортқ қарор ва фармойишлар ижросида, халқаро мақом санъати анжумани, халқаро бахшичилик санъати фестивали, халқаро опера ва балет фестиваллари, “Нурли наволар”, “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор ва бошқа қатор кўрик-танловларини ўтказишда фаол иштирок этаётганим билан фахрланаман. Айниқса, хонандларимизнинг жонли ижрога бўлган муносабати, муҳлислар олдидаги масъулияти ортгани ва охириги бир йилда яшигинга натижаларга эришганимизни ҳам таъкидламоқчиман. Шунингдек, театрларимизга одамларни жалб этишда ҳам барқали ишлар амалга оширилди. Лекин муаммолар ҳал бўлган, дея қувонишга ҳали эрта. Бу йўлда маданият ва санъат соҳаси мутасаддилари билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

“ЯХШИ ХОНАНДА БЎЛГАН ЯХШИ ОДАМ БЎЛГАН АФЗАЛ”
— Устозингиз Муҳриддин Холиқов эканини муҳлисларингиз яхши билишади. Ундан олган ҳаётий ва ижодий сабоқларингиз ҳақида нима сўзлар қилишган?

— Устозим Муҳриддин Холиқов билан 1991 йилда танишганман. У киши аввало ўта камтарин, хушмуомала, мулоҳазали, шогирдларига меҳрибон, шу билан бирга, талабчан инсон эди. Шогирдлари ҳам қаттиқ ҳурмат қилишар, ёш истеъодларга бўлган алоҳида эътиборини жуда қадрлашарди. Қисқаси энг оқибатли, юксак маънавиятли, маданиятли инсонга шогирдлигим менинг омадим

бўлган, дейиш мумкин. Унинг “Еним-да тур”, “Қизгалдоғим”, “Парируй санамлар” каби кўшиқларини севиб тинглаган, ижро этганман. Ҳали ҳам устозимнинг сеҳрли овози қулоқларим остида янграб туради...

— Ҳаётингизни нима лариз таъсир этди?
— Мени одамларга қинроқ таништирган, муҳлислар меҳрига сазовор қилган жиҳат, бу — хонандлик. Кўшиқ айтиб дилларга қувонч бағишлаш — қалб даъвати, ҳаётим мазмуни. Оилам эса умрим безаги, фарзандларим келгусидаги оруз умидларим пойдеворидир. Демак, оилам, фарзандларим мени доим олдинга интилиб яшамоқда ундайди. Ҳар бир янги кўшиқ ижроси, муҳлисларнинг эътибори, олқишлари гўё умримга умр қўшаётгандек, оиламнинг меҳр-муҳаббати куч-қувват бағишлайётгандек. Аммо шахсий хоҳиш-истакларимдан устун турадиган яна бир жиҳат бор: у ҳам бўлса, эл-юрт, Ватан хизматида бўлиш. Шу маънода миллий маданиятимиз ривожига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Маданият ҳам ўзи аслида ҳалол ва тўғри яшаш, атрафдагиларга ҳаммиса эътиборли бўлиш, имкон борича яхшилик қилиш каби ҳаётий қоидаларнинг амалдаги ифодасидир.

“САНЪАТКОР АДАБИЁТНИ, ТАРИХНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШИ КЕРАК”

— Эстрада хонандаси томошабин меҳрини қозониши учун қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Сизнингча, ҳозирги кун замонавий миллий эстрадаси қандай аҳволда, унга нима лар етишмайми? Нима учун бу йўналишда машҳур хонандалар кам?

— Эстрада — энг оммабоп санъ

ат йўналиши ҳисобланади. Агар аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бу йўналишда ижод қилаётган хонандалар зиммасидаги масъулият нечоғли кучли эканини фаҳмлаш қийин эмас. Ахир деярли барча ёшларимиз эстрада кўшиқларини севиб тинглашди, ижрочиларига тақдид қилишни хоҳлашди. Уларнинг нафақат ижро маҳорати, балки юриштирини, кийиниши, муомала маданиятини назардан қочиринмайди. Қисқаси, улардан маданиятни ўзлаштиришга ҳаракат қилишди. Лекин ҳозирги кунда ўзини “санъаткорман” деб ҳисоблайдиганларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий маданиятлилик мезонларига амал қилишяптими? Менимча, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Соддарок қилиб айтганда, уларни “элак”дан ўтказганда қанчаси қолади, буни ҳам айтиш қийин. Зеро, ҳар бир эстрада хонандаси энг аввало, адабиётни, тарихимизни, қолаверса, анъанавий ижрочиликни чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Шунда маъно-мазмуни тушунарли кўшиқлар, бир-бирдан кўчирилган мусикалар одамларнинг гашига тегмайди. Зеро, миллий эстрада санъати шахсий эмас, у миллига тегишли. Демак, бу йўли танлаган санъаткор шу масъулиятни унутмаслига билими, маданияти бўлса, айтаётган кўшиқнинг маъносини яхши тушуниган ҳолда, ижро этса, камтаринлик, самимилик каби фазилатларга эга бўлса, албатта, томошабин меҳрини қозонади. Ҳозирги кун миллий эстрадада шундай хонандалар камлиги эса, уларнинг ўз устида ишламаслиги, бир-иккита кўшиқ куйлаб, юлдузликни кўзлашишадир.

— Яккахон ижрочилиқдан ташқари, бошқа хонандалар билан ҳам дуэтлар ижро этгансиз. Бу ҳолат ижодингизга қандай таъсир кўрсатди?

— Бъзан ижодингизга бефарқ бўлмаган касбдошлардан дуэт ижро этиш тақлифлари ҳам бўлиб туради. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Шундай пайтларда айниқса, муҳлислар эътирозини кўнгилга гаш қилади. Бу албатта, ижодга бўлган иштиёқни суститиради. Тўғри, ижромиздан кўнгил тўлган дуэтлар ҳам бор. Масалан, хонанда Дилсўз билан “Акасингил”, Орлом Мирза Сафаров билан ижро этган “Гарнолик” номли дуэтларимиз яхши чиққан, десам бўлади. Гулсанам Мамазоитова билан ҳам яхшигина дуэтларимиз бор...

— Вазираликдаги фаолиятингиз давомида янги кўшиқлар яратиб имкони бўлдим? Жалолддин Мангубердига бағишланган “Мендириман ўшал” ёки “Қўлингиз имкон” кўшиғига ишланган клипларингиз гоёси қандай пайдо бўлган?

— Ҳозирги кунда Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус бўйича ишлар қизгин давом этмоқда. Унинг биринчиси — ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларида кизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган. Бу каби чора-тадбирларда, турли халқаро танловлар, халқаро ҳамкорлик алоқаларида фаол иштирок этиш, масъулият туғайли ўтлақонли ижод имконияти кам. Лекин ижодни соғиниб яшашимиз ҳам бор гап. Клипларга келсак, Жалолддин Мангубердига бағишланган “Мендириман ўшал” жиизахлик тарқиқувчиси билан бўлиб қилинган китобим — “Хорам” (ёвуз Баходир — турк ёзувчиси) дан олган таъсиротларим асосида яратилган. Шерини Ботир Эргашев ёзган. “Қўлингиз имкон” кўшиғига ишланган клип гоёсининг муаллифи — хонанда Лола Йўлдошева. Бъзан бу клиплар назаримизга этилса, ижодни соғинганимни ҳис этаман.

МОСКВАЛИК АЁЛНИНГ ГУЛДАСТАСИ

— Чет эл сафарларига, гастролларингизда ижодингизга нисбатан қандай муносабатни қузатасиз?

— Санъаткор учун муҳлисларнинг, томошабинларнинг олқишидан ортқ бахт йўқ. Мен бунга чет элларда берган концертларимда ҳам кўп қузатганман. Улар менга “Ўзбекистоннинг нафасини сезамиз кўшиқларингиздан” дея рағбат беришади. Бир кун Москвадаги концертлардан биринчи рус аёли каттагина гулдаста олиб чиқди. Тўғриси, ҳаяжонланиб кетдим. У шундай деди: “Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан кўшиқларингизни кўп тинглаймиз. Сизнинг муҳлисизиман...”

— Сизнингча, болалар яхши инсон бўлиб етишиши учун биринчи навбатда уларга қандай хусусиятларни синдириш керак?

— Бу саволингизга қисқаси қилиб, “Бешта ташаббус ижросида фаол ҳар қандай ота-она фарзандининг келажакдан хотиржам бўлса бўлади”, деб жавоб берган бўлардим.

“Маданият” газетаси муҳбири С.РИХСИЕВА суҳбатлашди

Янги спектакль

“Уйланиш” – сатира театри саҳнасида



Янги асар тақдимоти

“Хоразм немислари”

Хоразмда Нур Аҳмад қаламига мансуб “Хоразм немислари” номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Унда тарихчи олимлар, ижодкорлар ва “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари иштирок этишди.

“Ўзбекистон” нашриёти матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган мазкур хужжатли қиссада XIX асрнинг охири, 1883 йилда тақдир тақозоси билан Хива хонлиги ҳудудига келиб, бу ерда ярим асрдан зиёд яшаган меннонит немислари ҳаёти акс эттирилган. Китобда бу қавмнинг машаққатларига сабаб бўлган воқеалар, хонлик ҳудудидаги ҳаётнинг ўзига хос хайрли жиҳатлари ҳамда одамларнинг кейинги тақдири факт ва рақамлар орқали бадиий-публицистик тарзда ҳикоя қилинади.

Май ойида “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасида меннонит немислари ҳақидаги янги экспозиция ҳам иш бошлаган эди.

Давра суҳбати

“Бағрингда камол топдим, ЖОН Ўзбекистон!”




22 июль куни Жиззах вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида “Бағрингда камол топдим, жон Ўзбекистон!” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Кутубхона ходимлари, маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳамда фаол фойдаланувчилар иштирокида ўтган суҳбат давомида Малика Ҳазова, Дониёр Латипов, Жавлон Ёқубов каби ёш китобхонлар Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфнинг ватан ва мустақилликка оид шеърларидан намуналар ўқишди. Шунингдек, Президентимизнинг бу йил қабул қилинган қарор ва фармонлари билан яна бир бор таништирилди.

Тадбир доирасида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими ходимлари томонидан “Бағрингда камол топдим, жон Ўзбекистон!” мавзусида китоблар кўргазмаси ташкил қилинди.

У.ИБРАГИМОВ,
Жиззах вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори

Мозийдан садо



Мингтепа – қадим

Маълумки, Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг энг унмдор тупроққа эга, атрофи тоғлар билан ўралган жаннатмакон дийрди. Бежиз уни “олтин водий” деб атамаганлар. Бу ердаги ер ости ва ер усти бойликлари тўғрисида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд.

X-XII асрлар Фарғона водийсида шаҳар маданиятининг энг ривожланган даври бўлган. X асрда яшаган араб географлари ал-Истаҳрий ва Ибн Ҳавқалнинг ёзишча, Мовароуннаҳрда катталиги жиҳатидан Фарғона (қадимда Фарғона водийсидаги мавжуд давлатлар Фарғона деб юритилган) қишлоқларида етадигани бўлмаган. Баъзан аҳолининг зичлиги, шунингдек, чорва ва яйловларнинг кўплигидан қишлоқларнинг ҳудудлари 1 кунлик йўлни ташкил этган. Демак, Фарғона ўрта асрларда ҳар жиҳатдан гуллаб яшнаган. Бироқ тарихдан маълумки, давлатларнинг шу даражада ривожланиши учун узоқ минг йилликлар керак бўлган.

ХИТОЙ ЖОСУСИНИ ХАЙРАТГА СОЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР


Фарғона водийсида энг қадимги шаҳар – Андижон вилояти Жалақудук туманида жойлашган, милoddан аввалги II-I минг йилликларга оид 25 гектардан иборат Далварзинтепа шаҳри бўлган. Бугунги кунгача фақат харобалари етиб келган бу шаҳар бронза даврига оид бўлиб, бир қатор қадимшунослар томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, ҳозирга қадар ўз қаърида кўплаб сир-синоатларни яшириб келмоқда.

Милoddан аввалги II асрга келиб бутун Фарғона водийси бўйлаб, кўпгина шаҳар-давлатлар ривожланганини кўришимиз мумкин. Жумладан, милoddан аввалги 128 йилда Хитой императори У Ди топшириги билан Хитой сарҳадларининг ғарбига ҳарбий жосус – Чжан Цянь атрофдаги ўлкалар тўғрисида маълумот йиғиб келиш учун юборилади.

Чжан Цянь тоғ ошиб кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган ва ақл бовар қилмас дийрга келиб қолади. Бу ерда 70 та катта ва кичик шаҳар-давлатлар мавжуд бўлиб, қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланарди. Айниқса, узумдан тайёрланувчи мусалас жосусда катта таассурот қолдиради. Шунинг учун ҳам у ўз кундалигида узум етиштиришни икки йил давомида пухта ўргангани тўғрисида баён этган. Хитой жосусини энг ҳайратга солган мўъжиза Фарғонанинг арғумоқ отлари бўлиб, улар замонавий отларга қараганда бир неча баробар катталиги, бақувватлиги ва чопқирлиги, шунингдек, қон терлаши билан лол қолдирган.

“САМОВИЙ ОТЛАР”

Сафари умумий ҳисоблаганда 10 йилга чўзилган Чжан Цянь императорига ўз кечинмаларини батафсил сўзлаб бериб, саёҳати ҳақида ёзма ҳисобот топширади. Унинг ривоятларидан сўнг хитойликлар қон терловчи отлар ҳақида кўплаб афсона ва



шеърлар ёзишган. Чжан Цянь бу отларни “Самовий отлар” деб таърифлаган. Чунки Хитой ўзини “Осмон ости” давлати деб билар, император эса осмон фарзанди ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам Чжан Цянь ушбу отлар фақат императорга хизмат қилиши керак, деган фикрни илгари сурди. У ушбу самовий отлар яшовчи дийрни “Дай Юан” деб атади. Яъни қадимги хитой тилидан таржима қилинганда “дай” – буюк, “юан” – тоғ орти, тоғ билан ўралган деган маъноларни англатади. Қадимшуносларнинг фикрига кўра “Дай Юан” ёки бошқача қилиб айтганда “Даван” Фарғона сўзининг хитойча аталшидир.

Чжан Цяньнинг хотираларида берилишича, 70 та шаҳар-давлат марказий шаҳар-давлатга бўйсунган. Бироқ ҳар бир шаҳардан келган вакил, яъни оксоқоллар кенгаши ҳар бир масалада ўз қарашларини билдирганлар, замонавий тил билан айтганда, давлатда гарчи ягона ҳукмдор бўлса-да, бошқарув парламент кўлида бўлган. Бу марказий шаҳар Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 40 гектар майдонга эга, ички ва ташқи деворлар билан мустақкамланган оқова сувлари ҳамда тош йўллари мавжуд “Мингтепа” харобаси эканлиги тарихчи олимлар томонидан таъкидлаб келинмоқда.

Чжан Цяньнинг хотиралари шуниси билан муҳимки, у ҳар бир шаҳарни оддий сайёҳ сифатида эмас, ҳарбий зобит сифатида кўздан кечирар экан,

қайси шаҳарнинг деворлари қай даражада мустақкамлиги, омборхонаси қаерда жойлашгани, аҳоли сони, чорва ҳолати, мудофаа иншоотлари ва уларнинг орасидаги масофалар ҳақида ҳам маълумот берган. Ушбу маълумотлар ҳозирги кунда археологлар ва шу билан бирга тарихга қизиқувчи ҳар бир инсонга қимматли манбадир. Бироқ Чжан Цяньнинг асл кўлэмалари бизга етиб келмаган. Унинг ёзганлари милoddан аввалги I аср охирида битилган сарой тарихчиси Сима Чян қаламига мансуб “Шижи” (“Тарихий хотиралар”)да сақланиб қолган. Ушбу асар “24 тарих” ёки “24 та сулола тарихи” (“Эрши си ши”)нинг биринчи жилди ҳисобланади.

Чжан Цяньдан кейин ҳам бир қанча махсус сайёҳлар Фарғонага таширф буюрадилар, бироқ уларнинг ёзма ҳисоботлари бизга етиб келмаган.

ВОДИЙГА ХУЖУМ ВА ЧАВАНДОЗ АЁЛЛАР

Милoddан аввалги 104-99 йилларга келиб, Хитой империяси водийга ҳужум қилади. Хужумга сабаб бўлган воқеа тафсилоти шундай эди: император томонидан водийга элчи юборилади, унинг асосий мақсади самовий отларни қандай бўлмасин император ҳузурига олиб бориш эди. Бунинг учун элчи Даван (Фарғона) ҳукмдорига олтиндан ясалган от ҳайкалини инъом қилади. Қимматбаҳо совғадан рўҳланган ҳукмдор самовий отларни беришни ваъда қилади. Бундан хабар топган оксоқоллар кенгаши мажлис ўтказиб, ҳукмдорни хоин сифатида қатл қилади. Оқибатда эса уруш бошланади.

Хитойликлар пойтахтни қамал қиладилар ва ташқи деворни ёриб кирдилар, аммо ички деворга яқинлаша олмадилар (Марҳамат туманида Хитой кўмондони тахминий тўхтаган жой ҳозир ҳам мавжуд). Жангал давомида шаҳарда истикомат қилувчи кўплаб эркаклар ҳалок бўлганлар, оқибатда уруш

» Мустақиллик
айёми олдидан

“Гулбаҳор” завқ улашди



22 июль куни Наманган вилоятининг Учқўрғон туман маданият маркази қошидаги “Гулбаҳор” ашула ва рақс халқ ансамбли “Ниҳол” саломатлик сиҳатгоҳида “Мустақил юрт оқшомлари” шиори остида концерт намоиш этди.

Юртимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик тантаналари олдидан ташкиллаштирилган мазкур концертда ансамбль хонандалари ўзларининг дилтортар кўшиқлари билан 255 нафардан зиёд томошабинга завқ улашди.



» Музейда учрашув

Умидли ёшлар — Ватан таянчи

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида “Ёшлар Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчидир” мавзусида ёш мураббий Сардор Файзуллаев иштирокида давра суҳбати ўтказилди. У бугунги кунгача эришган ютуқлари ва чемпионлик учун ҳаракат қилаётган шогирдлари ҳақида сўзлаб берди.

Хозирги кунда Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида, Наманган шаҳрида ҳам ёш авлод вакиллариининг спорт билан шугулланишларига катта эътибор қаратилмоқда.




Спортнинг каратэ тури билан шугулланиб, айни пайтда ёшларга сабоқ бериб келаётган жонқуяр мураббийлардан бири Аюбхон Тошбоевнинг иқтидорли шогирдлари орасида Сардор Файзуллаев улкан ютуқлари билан ажралиб туради. У тўрт йилдан буён каратэ билан шугулланади. Ўзбекистон терма жамоа аъзоси, беш қарра Ўзбекистон чемпиони, тўрт қарра Ўзбекистон кубоги чемпиони, икки марта қора белбоғ соҳиби бўлган Сардор 2014 йилда НамДУнинг жисмоний маданият факультетига ўқишга қабул қилинган. Шу йили Корея Республикасининг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган Осие ўйинлари ва Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган.

Хозирги кунда Сардор спортнинг яқин кураш турига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида каратэ бўйича мураббийлик фаолиятини олиб бормоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон терма жамоаси ўқув машғулотида ҳам фаол қатнашиб келяпти. Бугунги кунда Сардорнинг 15 дан ортиқ шогирди бор. Қувонарлиси, шогирдлари орасида 1 қарра Ўзбекистон кубоги чемпиони, 2 қарра Ўзбекистон чемпиони бўлган Ёсинхон Муҳаммадхон, Ўзбекистон кубоги чемпиони Умархон Аҳмедов, Фарғона водийсида ўтказилган мусобақа чемпиони Афзалбек Олимов каби иқтидорли ёшлар талайгина.

Юксак чўққиларни забт этаётган ёш спортчилар ва мураббийлар барча ёшларимизга чинакам ибратдир. Уларга доимо омад тилайми!

Муҳаббатхон АТАБОЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
илмий ходими



тарих дурдонаси

майдонига эркесвар аёллар чиқа бошлаганлар.

Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, пойтахтнинг ички деворлари 14-18 метр бўлиб, деворнинг ички йўллари ҳам мавжуд бўлган. Ушбу деворлардан отилиб турган камон ўқлари ҳимоясида икки аёл бир аргумоқ отига қарама-қарши ўтириб олган, бири отни бошқарса, иккинчиси эса камондан душманларга зарба берган. Ваҳоланки, у даврларда Хитойда чавандоз аёл деган тушунчанинг ўзи бўлмаган. Уруш аёвсиз ва тинимсиз давом этган. Натижада оқсоқоллар кенгаши Хитой кўмондони билан императорга 2000 та от беришга, бироқ бу отларнинг оз қисми аргумоқ, қолганлари эса оддий отлар бўлишига келишиб оладилар.

Хитой кўмондони отларни олиб йўлга отланади. Бу келишувдан хабар топган чавандоз аёллар оқсоқоллар кенгашига билдирмасдан хитойликларни қувиб етдилар ва хозирги Ўзган атрофларига етганда, “самовий” отларни душманга топширишни ўзига ор деб билиб, барча отларни сўйиб ташлайдилар (хозирга қадар Ўзган шаҳрининг қинида “От сўйилган” деб номланувчи қишлоқ мавжуд). Натижада хитойликларнинг қўлидаги бирор донга от ҳам тирик қолмайди...

Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, Даван давлатига шимолдан ёрданга келган Кангуйлар (Қанг хозирги Тошкент, Чимкент, Сирдарё худудларида мавжуд бўлган қудратли давлат) хитой армиясига ҳужум қилади ва катта талафот келтиради. Боз устига, ушбу жангда хитойнинг энг забардаст генерали вафот этади, бу эса армиянинг пароканда бўлишига сабаб бўлади. Энди урушда Даван ва Кангуй давлатларининг қўли баланд кела бошлайди. Бу икки давлат армияси Хитойнинг катта худудларига қадар кириб борадилар, натижада Хитой Кушон давлатидан ёрдан сўрашга мажбур бўлади. Кушон давлати ўша даврда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари, қисман Афғонистон, Туркمانистон худудларига тўғри келувчи ўз даврининг жаҳон миқёсидаги қудратли ўлкаси саналган. Хуллас, Кушонларнинг аралашуви натижасида уруш якунига етади. Оқибатда Хитойнинг 5000 йиллик тарихида ягона ташқи ҳужуми муваффақиятсизлик билан якунланади.

САМОВИЙ ОТЛАР НЕГА ЙЎҚ ҚИЛИНГАН?

Аргумоқлар, яъни самовий отлар бизнинг кунларимизга қадар етиб келмаган. Фақатгина Қирғизистон Республикасининг Аравон тоғларида уларнинг қоятошга ишланган суратлари, афсона ва ривоятларгина мавжуд, холос.

Даван давлати олтин, қумуш, қимматбаҳо тошлар, ҳар хил мато ва мўйналарга бой юрт бўлган. Аммо Хитой давлати самовий отлар учун ҳужум қилган. Чунки Хитойни бошқа бойликлар қизиқтирмаган, императорнинг эътибори Даван давлатининг энг қимматбаҳо гавҳари — самовий отларга қаратилган эди. Аммо бу гавҳар Даван халқига жуда қимматга тушганди. Қанчадан-қанча қурбонлар, қанчадан-қанча бегуноҳ тўқилган қонлар... Баъзи қадимшуносларнинг фикрига кўра, урушнинг асосий сабабчиси бўлган самовий отларни қирғинбаротлар такорланмаслиги учун даваникларнинг ўзлари йўқ қилганлар.

Яна бир тарихий маълумот: Хитой элчиси олиб келган олтин от ҳайкали тақдир ханузга қадар очилмаган. Шуниси қизиқки, Мингтепада олиб борилган археологик қазималар натижасида олтин от тасвири топилган, бу эса олтин от афсона эмас, ҳақиқатлигини исботлайди. Унинг аниқ қаерда эканлиги маълум эмас, бироқ у ички шаҳри 40 гектар бўлган, жами 300 гектардан зиёдроқ Мингтепа харобаси остидалиги аниқ.

ТАРИХИЙ ШАҲАР ҲАҚИДА КЎРГАЗМА

Мингтепа харобалари 1930 йиллардан бери тадқиқ этилмоқда. Юртимиз мустақиллигининг сўнг эса ушбу ишлар янада жадаллашди. Бу ерда Ўзбекистоннинг етук олимлари — Боқижон Матбобоев, Бахтиёр Абдуллаев каби маҳаллий археологлари билан бир қаторда, Германия, Япония, Франция давлатларидан ташриф буюрган қадимшунослар кўплаб тадқиқотлар олиб бордилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2012 йилдан шу кунга қадар Мингтепа харобаларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институти ва Хитой ижтимоий фанлар Академияси археология институти ҳамкорлигида қўшма археологик экспедиция ташкил этилган бўлиб, бунинг натижасида хар хил даврларга оид минглаб осори-

атиқалар топилди ва ўрганилмоқда. Ушбу хайрли ишлар натижаси сифатида 2018 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган, Фанлар Академияси тасарруфидаги “Ўзбекистон тарихи” давлат музейида катта кўргазма ташкил этилди. Ундан жой олган экспонатлар маҳаллий аҳоли ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ушбу кўргазма жорий йилнинг сентябрь ойида Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.

САЙЁХЛАР УЧУН МАНЗИЛГОҲГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Мингтепа кўп йиллар давомида ўрганилган бўлишига қарамасдан унинг остида ҳали ўз ечимини қутиб турган жумбоқлар бисёр. Олтин от эса уларнинг бири, холос. Яна бир жумбоқ шундан иборатки, Мингтепада ҳаёт тахминан милотдан аввалги V асрдан, милодий V асрга қадар гуллаб-яшанган. Яъни тахминан минг йил давомида қудратли шаҳар барпо этилган. Бу шаҳарда сунъий сўғориш иншоотлари, баланд ва қалин деворлар, тош йўллари, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик ривож топган. Бироқ V асрга келиб ҳаёт излари буткул йўқ бўлиб кетган. Қазимша ишлари давомида топилаётган хумлар, кўзалар ва бошқа уй-рўзгор буюмлари бутун ҳолда, баъзиларида эса озик-овқат маҳсулотлари ҳам сақланиб қолган. Бошқача айтганда, уруш ва вайронкорлик излари йўқ.

Баъзи қадимшуносларнинг фикрича, ер коррозияга учраган ва асосий тиркичилик манбаи деҳқончилик бўлган аҳоли бу ердан шунчаки кўчиб кетган. Бошқа мутахассисларнинг фикрига қараганда, шаҳарда қандайдир эпидемия тарқалган ва аҳоли буткул қирилиб кетган. Нима бўлган тақдирда ҳам, Мингтепа ҳали бизни кўплаб кашфиётлар билан ҳайратга солишига шубҳа йўқ.

Кейинги йилларда юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ишлар орасида режалаштирилаётган яна бир вазифа — тарихий Мингтепа шаҳарчасини туристик манзилгоҳга айлантиришдир.

А.ПОЗИЛЖОНОВ,
Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи тарих бўлими мудири

Халқаро танлов

Иссиққўлда
ғолиб бўлди

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 14-болалар муסיқа ва санъат мактабининг эстрада йўналиши бўйича 2-синф ўқувчиси Азизбек Комилов Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган “Иссиққўл дўстларни чорлайди” деб номланган халқаро этно-карнавал танловида 1-ўрин ва олтин ме-

дални қўлга киритди.

Танловдан сўнг Азизбек устози Шоирахон Казакова билан Қирғизистон таълими вазири қабулида бўлиб, эсалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, жажжи ғолиб танлов якунига бағишлаб ўтказилган га-ла-концертда иштирок этиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди.



Олий таълим

Консерваторияда
касбий
имтиҳонлар
бугундан
бошланади

Давлат тест марказининг маълум қилишича, бу йил республика бўйича жами 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 30 та филиалларига 1 миллион 66 минг 925 нафар абитуриент рўйхатдан ўтказилди. Шундан кундузги таълим шаклига – 718 097 нафар, кечки таълим шаклига – 13 821 нафар, сиртки таълим шаклига – 335 007 нафар абитуриент рўйхатдан ўтди.

Бу жараён 90 та олий таълим муассасаси қабул комиссиялари ва 201 та Давлат хизматлари марказларида 4 500 дан ортик операторлар томонидан амалга оширилди.

Консерваторияга ҳужжат топширган абитуриентлар учун 11 июлдан 15 июлга қадар ихтисосликлари бўйича маслаҳатлар ўтказилди. Унда бакалаврият таълими йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар 25 июлдан бошланиши маълум қилинди.

Бошқа олий ўқув юртларидан фарқли равишда Ўзбекистон давлат консерваториясида 2019/2020 ўқув йили учун ҳужжат топширган абитуриентларга рухсатнома имтиҳон топшириладиган кунда тақдим этилади. “Абитуриент рухсатномаси” абитуриент томонидан шахсий паспорти кўрсатилганда берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайтининг хабар беришича, республика олий таълим муассасалари магистратурасига ўқишга кириш учун ҳужжатлар 30 июлга қадар қабул қилинади.

Истеъдод

Ёшлик жозибаси
рассом талқинида

Наманган шахрининг марказидаги Бобуршоҳ кўчасида жойлашган “Ёшлар маркази” залида эни – 16 метр, бўйи 6 метрли улкан деворий монументал асар яратилмоқда. Унинг эскизини 2009 йили Наманган давлат университети декоратив санъат бўлимини тугатган таниқли ёш мусаввир Дилфуза Йўлдошева ишлади.



Мазкур асарда мустақил Ўзбекистон ёшларининг бугунги куни, келажаги, истиқболи зўр маҳорат билан акс эттирилган.

“Ёшлик” асарини кўздан кечирган киши унда ёшлар ҳаётининг барча соҳалари қамраб олинганга гувоҳ бўлади.

Ёшлик — орзу-умидларга тўла давр. У баҳор кунлари каби гўзал, шоқин дарёлардек шиддаткор. Д.Йўлдошева ишлаган асар ҳам камолга етиб, ҳаёт остонасида турган, эртанги кунга, келажакка ишонч билан қараётган, халқимиз давомчиси бўлган ёш қалб манзараларини ўзида мужассам этган.

Асарнинг ўнг томонида қўлларида гуллар тутган оқ либосдаги иболи келинчек ва қора костюм-шимдаги куёв бо-

ларнинг келажак сари одимлаётгани ифодаланган. Бу ҳолат бир томондан мустақиллик ва озодлик туфайли янгидан чиroy очаятган гўзал шаҳар, янги замонавий бинолар фониди акс эттирилган. Иккинчи томондан бой қадимий ўтмишга, маданиятга, улугвор тарихга эга бўлган ватан тимсоллари — миллий гўлбазли обидалар тасвирланган. Бу икки ҳолат ифодасида озод Ўзбекистонимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги уйғунлашиб кетган. Шунингдек, асар марказида ёш меъмор келажак уйлари пойдеворини қураётгани ва қушларни учираётгани ҳамда тинчлигимиз тимсоли — ҳумо қуши тасвирланган.

Асарнинг чап томонида буюк аждодларимиз — Абу Райхон Беруний, Камолиддин

Бехзод ва ота-боболаримиз қурган ёдгорликларнинг тасвири туширилган бўлиб, улар ўзбек ёшларини келгусида улуг ишларни амалга оширишга, эзгу мақсадлар йўлида фидойил кўрсатишга руҳлантиради.

Ўнг томонда янги бунёд этилган замонавий биноларга кўзингиз тушади. Асарда ҳукуматимизнинг спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсати, янги қурилган иншоотлар моҳирона ифодаланган ва соғлом авлод гоёси илгари сурилган.

Шунингдек, “Ёшлик асари” да ўзбек ёшларининг эркин ҳаёти, гўзал турмуши, тобора чиroy очаятган шаҳар ва кишлоқлар, боғлар ва гуллар, улар марказида эса бахтиёр ёшлар нозик дид билан тасвирланган.

Асарда яратувчанлик, меҳ-

натга, илм олишга муҳаббат гоёлари илгари сурилган.

Дилфуза Йўлдошева Ўзбекистон Бадий академияси Наманган вилояти бўлими ёш рассомлари қаторида ўз асарлари билан республика ва вилоят кўргазмаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, “Навқирон Ўзбекистон”, “Энг улуг, энг азиз”, “Санъат ҳафталиги”, “Рассом ва табиат” кўргазмаларида, шунингдек, Республика ёшларининг тасвирий ва амалий санъат танловида қатнашган. Бу йил эса Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида унинг “Рангларда ҳаёт акси” номли кўргазмаси намойиш этилди.

Муҳаббатхон ОТАБОЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Ташаббус ижроси амалда

Аҳоли учун
кўнгилочар тадбирлар

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида Президентимиз илгари сурган беш ташаббус асосида маданий маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Маданият марказлари, муסיқа ва санъат мактаблари ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилаётган бундай тадбирларда аҳоли учун концертлар уюштириляпти, кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

Яқинда ана шундай концерт тадбири бўлиб ўтди. Унда турли ёшдаги истеъдод эгалари ўзларининг шўх ва дилрабо қўшиқлари билан барчага хуш кайфият улашди.



МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлезмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 8683 Буюртма - Г - 727
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Жаҳми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 22.00
Топширилди - 22.00
1 2 3 4 6